

Шахсининг товламачилик йўли билан ҳақ талаб қилганлик ҳаракатлари пора олиш деб нотўғри квалификация қилинганлиги суд қарорининг ўзгартирилишига сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг 2005 йил 25 ноябрдаги ҳукмига асосан, Б. Жиноят кодекси 210-моддаси 3-қисмининг «б» банди билан судланган.

Апелляция инстанцияси суди ҳукмини ўзгаришсиз қолдирган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б. Навоий шаҳар «Олтин водий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлаб келган даврда, масъул мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда ўзи раислик қилаётган маҳалла ҳудудида фаолият кўрсатиб келаётган хусусий тадбиркор Ф.дан таъмагирлик йўли билан 50.000 сўм пора талаб қилиб, 2005 йил 25 октябрь куни 9.000 сўмни, 26 октябрь куни қолган 40.000 сўмни хизмат хонасида олган пайтда ушланганликда айбдор деб топилган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан иш ҳолатлари тўғри аниқланган бўлса-да, бироқ Б.нинг ҳаракатлари масъул мансабдор шахс томонидан пора олиш деб баҳоланиб, хатога йўл қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги қонуннинг 13-моддасида маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг ваколатлари белгиланган бўлиб, мазкур қонунда фуқаролар йиғинининг раисларига тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш ёки уларнинг фаолиятини текширишга ваколат берилмаган.

Жиноий иш материалларидан кўринишича, Б. Ф.ни мансаб ваколати доирасига кирмайдиган ҳаракатларни амалга ошириш билан қўрқитиб, ундан товламачилик йўли билан пул талаб қилган ва унга, пулни ҳар ойда бериб

турмаса, фаолияти бўйича текширишлар ўтказишни ташкиллаштириш билан таҳдид қилиб, Ф.ни пул беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйган, яъни Б. ўзининг юқорида қайд этилган ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 165-моддасида назарда тутилган товламачилик жиноятини содир этган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2007 йил 23 январдаги ажрими билан Б.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми «б» бандидан 165-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилинди.

ЖСҲ-10-07 сонли ажрим